

КИМЁ САНОАТИДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 февраль куни кимё саноатини ислоҳ қилиш бўйича истиқболли режалар ҳамда жорий йилда амалга ошириладиган асосий вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Сўнгги йилларда соҳани модернизация қилиш, молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ва юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди. Тармоқ корхоналарининг рентабеллигини кўтариш мақсадида бозор механизмлари жорий этилиб, нархни шакллантириш тартиби бутунлай қайта кўриб чиқилди. Натيجида кимё тармоғи ўтган йилни 2018 йилга нисбатан 2,3 баробар кўп фойда билан якунлади.

"Навоийазот" акциядорлик жамиятида Поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси ишга туширилди. Шўртан газ-кимё комплексидида синтетик суяқ ёқилғи, "Навоийазот" акциядорлик жамиятида азот кислотаси, аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш заводлари қурилмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу йил январь ойида парламентга йўллаган Мурожаатномасида ва Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида кимё соҳасига алоҳида эътибор қаратиб, ҳукумат олдига уни модернизация қи-

лиш, илм-фан ва инновацияларни кенг жорий этиш бўйича қатор вазифалар қўйган эди.

Бу бежиз эмас. Чунки мазкур тармоқда муаммолар, ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар кўп. Жумладан, юртимизда ишлаб чиқариш мумкин бўлган, мураккаб таркибга эга бўлмаган кимё маҳсулотлари четдан олиб келинмоқда. Экспорт структураси диверсификация қилинмаган, бунда ханузгача минерал ўғитлар улуши жуда катта. Ишлатилаётган ускуналар 60 фоиз эскирган, энергия сарфи меъёрдан 2-3 баравар ортди.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган йиғилишда соҳани ислоҳ қилиш, корхоналар самардорлиги ва салоҳиятини ошириш бўйича вазифалар белгиланди.

Тармоқдаги ҳар бир корхона фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, маҳсулотлар сифатини ошириш, энергия сарфини камайтириш ҳисобига таннархни пасайтириш бўйича топшириқлар берилди. "Рақамли технологиялар"ни қўллаш, инсон ҳаёти учун

ҳавфли жараёнларда автоматлаштириш даражасини кўтариш муҳимлиги қайд этилди.

Кимё соҳасида янги йўналишларни ривожлантириш, хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш зарурлиги таъкидланди.

Тўқимачилик, қурилиш материаллари, автомобилсозлик, истеъмол товарлари, озиқ-овқат ва фармацевтика учун зарур хомашё ишлаб чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

"Навоийазот" акциядорлик жамиятида поливинилхлорид ишлаб чиқаришни тез муддатда лойиҳа қувватига олиб чиқиш ҳамда иккинчи босқичини лойиҳалаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

"Фаргонаазот" акциядорлик жамияти, Кўнғирот сода заводи ва Дехқонобод калийли ўғитлар заводидида давлат улушини инвесторларга сотиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Кичик тоннажли кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шу мақсадда "Навоийазот" акциядорлик

жамиятида бўш турган майдонлар негизда ихтисослашган кичик саноат зонаси ташкил қилиш зарурлиги қайд этилди.

Маълумки, жорий йил мамлакатимизда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили деб эълон қилиниб, ҳар йили илм-фаннинг бир неча устувор йўналишини ривожлантириш белгилаб олинди. Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичидаги муҳим йўналишлардан бири эса кимё соҳасидир.

Шу боис йиғилишда ушбу тармоқда таълим ва илм-фани тақомиллаштириш, замонавий кадрлар тайёрлаш жуда муҳимлиги таъкидланди. Илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш, бунинг учун тадқиқотларнинг соҳа корхоналари эҳтиёжига ҳамроҳлигини таъминлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Жанубий Корея билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот институти ташкил этиш, Тошкент кимё технология институтида мутахассислар ва ўқув дастурларини тақомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мутасаддилар йиғилишда муҳокама қилинган масалалар ва соҳадаги истиқболли режалар юзасидан ахборот берди.

ЎЗА

ЯПОНИЯ ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 февраль куни Япония ва Корея Республикаси билан икки томонлама инвестициявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Ушбу давлатлар нафақат Осиё, балки бутун дунёда, айниқса, юксак технологиялар соҳасида етакчи ҳисобланиши, кенг инвестиция имкониятларига эга эканини таъкидлаш жоиз.

Давлатлар раҳбарларининг сиёсий иродаси ва мунтазам мулоқотлари тўғрисида Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган, ҳамкорликнинг турли йўналишларида яқин алоқалар йўлга қўйилган.

2019 йилда икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очган самарали ташрифлар амалга оширилди. Хусусан, 18-21 апрель кунлари Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин мамлакатимизда, 17-20 декабрь кунлари эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Японияда ташриф билан бўлди. Учрашув ва музокаралар натижасида ҳукуматларо ва идораларо салмоқли ҳужжатлар имзоланди, савдо-иқтисодий ва инвестициявий келишувларга эришилди.

Йиғилишда ушбу мамлакатлар билан ўзаро савдо ва инвестиция кўрсаткичлари изчил ошиб бораётгани таъкидланди. Ўтган йил якунларига кўра Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 400 миллион доллардан ошди. Бугунги кунда юртимизда Кунчиқар мамлакат иштирокида ўттизга яқин корхона фаолият юритмоқда.

Эришилган келишувларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича янги таклифлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Япониялик шериклар билан ҳамкорликда геология, кимё ва нефть-кимё, банк-молия, соғлиқни сақлаш, таълим каби соҳаларда умумий қиймати 6,6 миллиард долларлик 48 та лойиҳа амалга оширилаётгани таъкидланди.

Хусусан, "HIS" компанияси билан меҳмонхоналар қуриш, "Isuzu" ва "Itochu" билан "SamAuto" корхонаси ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан Навоий иссиқлик энергия станциясида энергия блоклари (Навоий-3) қуриш бўйича ва кўплаб бошқа лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Йиғилишда икки томонлама турли тадбирлар, жумладан, ишбилармон доираларнинг ўзаро ташрифларини ташкил этиш, янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш орқали Ўзбекистон – Япония ҳамкорлигини янада фаоллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Корея Республикаси билан ҳам иқтисодий алоқалар салмоқли даражада ривожланмоқда. Хусусан, ўтган йил якунига кўра икки томонлама савдо ҳажми 2018 йилга нисбатан 27 фоизга, жумладан, экспорт 30,1 фоизга ошди. 2019 йилнинг ўзига Ўзбекистонда Жанубий Корея сармоялари иштирокида 198 та корхона ташкил этилди, уларнинг умумий сони 800 дан ошди.

Кореялик шериклар билан биргаликда Тошкент шаҳрида болалар кўп тармоқли тиббиёт марказини қуриш лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилаётгани таъкидланди. Тошкент вилоятининг Қибрай туманида "Tashkent Farma Park" инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини яратиш ишлари бошланди. Мазкур лойиҳа илмий-тадқиқот маркази, лабораториялар, виарий, фармацевтика марказини ўз ичига олган Фармацевтика техника университети ҳамда дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва техникасини ишлаб чиқариш учун саноат зонаси ташкил этишни назарда тутди.

Қишлоқ ҳўжалиги, ахборот-коммуникация технологиялари, соғлиқни сақлаш, кимё, текстиль, электротехника, фармацевтика, заргарлик саноати, таълим ва инновациялар ҳамкорлигининг янги истиқболли йўналишлари сифатида қайд этилди.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) техник кўмаги билан 2019 йилда соғлиқни сақлаш ва стандартлаштириш бўйича умумий қиймати 13 миллион долларлик иккита грант лойиҳаси доирасида иш олиб борилди, яна 29,6 миллион долларлик 6 та лойиҳа амалга оширилмоқда. 2020-2022 йилларда умумий қиймати 72,2 миллион долларлик 10 та лойиҳа ўрганилмоқда.

Корея Республикаси Эксимбанки билан ҳамкорлик доирасида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва биргаликда 2 миллиард долларлик ресурслар жалб қилинди ҳамда 14 та стратегик муҳим лойиҳа амалга оширилди. Умумий қиймати 608 миллион долларлик 6 та лойиҳа устида иш бошланди.

Мухтасар айтганда, Япония ва Жанубий Корея билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 40 мингдан зиёд янги иш ўрни яратиш, ишлаб чиқариш ҳажмини 4,1 миллиард долларга, экспорт ҳажмини эса 1,14 миллиард долларга ошириш назарда тутилган.

Президент Шавкат Мирзиёев олий даражадаги ташрифлар якунида ишлаб чиқилган "йўл хариталари"да 2020 йилга белгиланган чора-тадбирларнинг тўлиқ ва сифатли ижросини таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди, аниқ вазифалар белгиланди.

ЎЗА

Фермерлар ҳимоясиз эмас

ёхуд вақтида тўламаса, жаримаси билан тўлайди



Жалақудуқ тумани фермер, дехқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши томонидан туманда фаолият олиб бораётган фермер ҳўжаликларининг манфаатини қўлаб туманда пахтачилик кластери ташкил этган "Алёртекс" қўшма корхонасига нисбатан жорий йилнинг январь ойида Хўжабод туманлараро иқтисодий судига 210 та даъво аризаси киритилди. Тумандаги фермер ҳўжаликлари томонидан ушбу корхонага 16704,9 тонна пахта хом ашёси топширилган бўлиб, 19 284 867 181,64 сўм пул маблағлари шартнома шартларига асосан 2019 йил 31 декабргача тўлиқ тўлаб берилиши белгиланган бўлсада суд бўлган кунгача ҳам тўлаб берилмаган. Иқтисодий судга "Алёртекс" қўшма корхонаси 19 284 867 181,64 сўм асосий қарзи ва шартнома шартларини бузганлиги сабабли 3 856 973 436 сўм жарима, жами бўлиб 23 141 840 617,19 сўм маблағларни фермер ҳўжаликлари ҳисобларига ундириб бериш бўйича даъво қилинган. Жорий йилнинг 27 январь кунги Хўжабод туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарорига асосан, ушбу даъво аризалар қаноатлантирилди.

Д. АҲМЕДОВ,
Жалақудуқ тумани Фермер, дехқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси.



Иқтисодий имконият кенгаймоқда

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги "Оқсарой текстиль" масъулияти чекланган жамиятида доимий модернизация ишлари, янги лойиҳалар амалга оширилиши натижасида маҳсулот сифати, салмоғи ва тури тобора кўпаймоқда.

– Бугун халқаро бозордаги рақобатга дош бериш осон эмас, – дейди корхонанинг ишлаб чиқариш бўйича технологи Ақмал Мирзақулов. – Шу боис мунтазам равишда фаолиятга янги, замонавий технологияларни жорий этишга ҳаракат қилаямиз. Мисол учун, Германиянинг "Труглер" компаниясидан 5 миллион 310 минг еврога ип-кавала ишлаб

чиқариш жараёнини автоматик назорат қиладиган ҳамда маҳсулот сифатини янада яхшилаш имконини берадиган технологиялар харид қилди. Натيجида иш унумдорлиги ортиб, 40 та янги иш ўрни яратилди.

Корхонанинг тикувчилик цехи учун Германиянинг "Майер" компаниясидан 1 миллион 750 минг евро эвазига янги ускуналар кел-

тириб ўрнатилган. Бунинг натижасида цех фаолияти кенгайиб, яна 50 кишининг бандлиги таъминланди.

Таъкидлаш жоизки, бугун мамлакатимизда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш мақсадида соҳада фаолият олиб бораётган корхоналар олдига ишни кластер ти-

зимизда ташкил этиш вазифаси қўйилмоқда. Хусусан, 2018 йилда юртимизда 15 та, 2019 йилга келиб эса 74 та текстил корхонаси тўлиқ кластер тизимига ўтди. Жорий йилда кластерлар сони 88 тага етказилиб, мамлакатимизда тўлиқ кластер тизими йўлга қўйилди.

Айни пайтда "Оқсарой" текстиль корхонаси ҳам Қамаш, Яккабоб ва Шаҳрисабз туманларидан 22 минг гектар ер олиб, у ерларда хомашё етиштиришни бошлаган. Яқинда корхона томонидан 20 дан ортдиқ ҳайдов ва чопиқ тракторлари харид қилинди. Ўтган йили корхона томонидан хорижга 5 миллион 530 мингдан зиёд АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилинган бўлса, ички бозорга ҳам қарийб 76 миллиард сўмлик маҳсулот чиқарилган.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА)
олган суратлар.

Айдар – Арнасой кўллари истиқболи

Фарҳод МАМАЛАТИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори.

ҲАМ ТЕЖАБ, ҲАМ КўПАЙТИРИБ

Бозор иқтисодиёти шароитида табиатнинг барча бойликлари қатори сув ресурсларига бўлган эҳтиёж бениҳоя катта эканлигидан келиб чиққан ҳолда Айдар-Арнасой кўллари тизимидан, у ердаги ҳайвонот дунёсидан оқилонга фойдаланишни таъминлаш ҳамда самарали бошқаришни ташкил этиш, биологик хилма-хилликни

сақлаш, балиқчиликни ривожлантириш, шунингдек, табиий сув ҳавзаларида балиқларни кўпайтириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга комплекс ёндашиш мақсадида 2017 йилда 7 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Айдар-Арнасой кўллари тизимининг биологик ресурсларидан оқилонга фойдаланишни таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорга биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида "Айдар-Арнасой кўллари тизими дирекцияси" давлат унитар корхонаси ташкил

этилган бўлиб, унинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари сифатида сув ҳавзасида балиқларни кўпайтириш мақсадида балиқ чавоқлари етиштириш учун инкубация цехларини қуриш, кўллари тизимида балиқ етиштиришнинг замонавий технология ва усулларини кенг жорий этиш, экспортбоп ҳамда рақобатбардош балиқ маҳсулотларини етиштириш бўйича технологик жараёнларни босқичма-босқич шакллантириш, шунингдек, балиқ овлаш ҳўжаликлари томонидан ижара шартномаси шартларига риоя этилиши мониторингини олиб бориш белгиланди.

(Давоми 2-саҳифада)

Қабул қилинаётган янги қонун ердан фойдаланишда коррупция ҳолатларига барҳам бера оладими?

Президентимизнинг Олий Мажлисида Мурожаатномасида ҳар бир соҳа бўйича навбатдаги устувор вазифалар белгилаб берилди.

Экология кодекси муҳокамага қўйилади

Мухтор ХОДЖИМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, фаол инвестиция жалб этиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизликни таъминлаш қаторида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилашга эътиборни кучайтиришимиз кераклигига алоҳида урғу берилди. Аввало, Орол фожияси оқибатларини юмшатиш бўйича бошланган кенг қўламли тарихий ишларни давом эттириш, денгизнинг қуриган тубида ўрмонзорларни кенгайтириш, Нукус, Урганч ва Хива шаҳарлари атрофида "яшил белбоғ"лар барпо этиш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёни экологик назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, экологик аудит ўтказиш тартибини қайта кўриб чиқиш, хусусий аудиторлик фаолиятини жонлантириш ҳам муҳим вазифа сифатида белгилаб берилди.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишда экологик назоратни кучайтириш лозим бўлади. Бугунги кунда бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Экологик аудит тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси кўриб чиқилмоқда. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши билан бошқа субъектларнинг ўзини ўзи назорат қилиши ва ҳўжалик фаолияти ҳамда бошқа фаолият жараёнида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши ва атроф-муҳитни бошқариш масалалари мувофиқлаштирилади.

Мурожаатномада Ҳукуматга саноат ривожининг экологияга таъсирининг олдини олиш бўйича 2025 йилгача мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва нуфузли халқаро экспертларни жалб этган ҳолда, жорий йил 1 октябрга қадар Экология кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифалари берилди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу топшириқларига асосан, саноатнинг ривожига муҳим ўрин тутадиган йирик ишлаб чиқариш корхоналарида технологик жиҳозлар, дастахоналарнинг экологияга таъсирини чуқур ўрганиб, керак бўлса халқаро экспертларнинг хулосаларини олган ҳолда амалиётга жорий этишимиз лозим бўлади. Экология кодекси лойиҳасини қисқа фурсатда ишлаб чиқиш ва жамоатчилик муҳокамасига қўйиш режалаштирилган. Мазкур кодекснинг қабул қилиниши экология соҳасида ечимини кутиб турган кўплаб муаммоларнинг ҳал этилишига замин яратлади.

Мурожаатномада ҳар бир ҳудуд ва корхона бўйича экологияни яхшилаш, чиқиндиларга доир ишлар юзасидан дастурлар ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлаш шартлиги таъкидлаб ўтилди. Дастурнинг ишлаб чиқилишида асосий эътиборни корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнида чиқарадиган чиқиндилар миқдорига ва уларнинг қайта ишланishi даражасига қаратишимиз зарур. Бу билан ишлаб чиқариш жараёнларининг имкон қадар кам чиқитли бўлишига эришилади ва атроф-муҳитга ортқича чиқиндилар чиқарилишининг олди олинади. Бунда яна бир муҳим жиҳат, аҳоли хонадонларидан чиқадиган чиқиндиларнинг биринчи навбатда ташланадиган қутилари масаласига тўлиқ ечим топши, чиқиндиларни қайта ишлаш борасида аниқ манзилли ечимларни белгилаб олиш керак.

Айдар – Арнасой кўллари истиқболи

(Боши 1-саҳифада)

Мазкур вазифалардан келиб чиққан ҳолда дирекция томонидан инкубация цехи фаолияти йўлга қўйилиб, 2019 йилда 7,2 млн. дона оқ амур, дўнгпешона ва сазан балиқ чавоқлари тайёрланган ҳамда кўлларда мавжуд сув участкаларининг 80 таси ёки 161 минг гектари танлов асосида 64 нафар талабгорга ижарага берилган ва ижарачилардан ижара ҳақлари ундирилган.

Кўллар тизими ҳудудида балиқчиликни ривожлантириш борасида амалга оширилган саъй ҳаракатлар натижасида ўтган йилда ижарачилар томонидан жами 3657,4 тонна балиқ маҳсулотлари овланди.

Шунингдек, дирекция томонидан кўллар тизими ҳудудида ободонлаштириш ва кўллар тубини чиқиндилардан тозалаш тадбирлари амалга оширилиб, ҳудуд жами

46,1 тонна маиший чиқиндилардан тозаланди.

Бажарилаётган ишлар ва қонунчиликка риоя этилиш аҳволи Бош прокуратуранинг Айдар-Ар-



насой кўллар тизимини ривожлантириш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси томонидан доимий равишда ўрганилиб, мавжуд камчилик ҳамда қонунбузарликларни бартараф этишга қаратилган қатъий чоралар кўриб келинмоқда.

Хусусан, бошқарма томонидан кўллар тизими ҳудудида фаолият юритиб келиб, шартномада кўрсатилган талабларни қўпол равишда бузган 70 нафар ижарачи билан дирекция ўртасида тузилган ижара шартномаларининг бекор қилиниши ҳамда ижара тўловларини шартномада белгиланган муддатларда тўламасдан келган 24 нафар ижарачидан жами 642,1 млн. сўмлик қарздорликларнинг ихтиёрий ундирилиши таъминланди.

Шунингдек, табиий сув ҳавзаларида балиқларни кўпайтириш устидан қатъий назорат ўрнатилган бўлиб, бу борада амалга оширилган ишлар натижаларига кўра, жорий йилда жами 1 млн. 427 минг дона ёки 28,5 тонна чавоқларнинг сув ҳавзаларига ташланишига эришилди.

Ўрганиш ва назорат тадбирлари жараёнида 8 нафар ижарачига балиқ овлишини қайд этиш дафтарлари берилди, 38 нафар

ижарачи томонидан жами 507,1 тонна овланган балиқ миқдори ҳисоботда кўрсатилмаганлиги аниқланиб, ушбу камчиликлар тўлиқ бартараф этилди.

Бошқарма ходимлари томонидан сайёр қабуллар ташкил этилиб, кўллар тизими ҳудудидаги жами 22 нафар ижарачи ва бошқа тадбиркорлик субъектларининг мурожаатлари кўриб чиқилиб, мавжуд муаммоларнинг ҳал этилишига қаратилган қатъий чоралар кўрилди ҳамда дирекция ва Жиззах, Навоий вилоятлари Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари масъул ходимлари билан ҳамкорликда аҳоли ҳамда тадбиркорлар ўртасида 36 та тарғибот тадбирлари амалга оширилиб, амалдаги қонунчилик талаблари юзасидан тушунтиришлар берилди.

Бундан ташқари, бошқарма томонидан Айдар-Арнасой кўллар тизими муҳофазасига доир қонунчилик ижроси доимий равишда ўрганилиб, қонунбузилишлар бартараф этилишига қаратилган жами 31 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Жумладан, кўллар тизими сув объектлари ҳудуди муҳофазаси тўлақонли таъминланиши, кўл ҳудудида содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг тўлиқ фош этилиши ҳамда қонунбузарликлар оқибатида етказилган зарарларнинг ундирилиши аҳволи Айдар-Арнасой кўллар тизимини қону тун назорат қилувчи экологик назорат пунктларида текширилиб, йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш хусусида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасига тақдимнома киритилди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш, нафақат сувни, балки бошқа табиат бойликларини тежаш ҳамда кўпайтиришга хизмат қилади. Шундай экан, бу борадаги тадбирлар изчиллик билан давом эттирилиши лозим.

Энди фермерлар ўзлари фойдаланаётган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериши мумкин. Бу ҳақда Ўзбекистон фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари Кенгашида "Қишлоқ ҳўжалигида ижара муносабатларини ривожлантириш ва ердан самарали фойдаланиш масалалари" мавзусида бўлиб ўтган давра суҳбатида маълум қилинди.

Фермерлар экин ерларини энди иккиламчи ижарага бериши мумкин

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси, Аграр ва сув масалалари қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу давра суҳбатида фермерларнинг экин ерларини иккиламчи ижарага беришининг ҳуқуқий асослари тўғрисида сўз борди.

Унда қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиладиган ерларни иккиламчи ижарага беришга қаратилган қонунчиликни ривожлантириш тақлифлари атрофлича муҳокама этилди.

– Қайд этиш керакки, Ўзбекистон 24-Республикаси Ер Кодексининг 24-моддасида "Ер участкасини ижараси" кўрсатилган бўлсада, "Қишлоқ ҳўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ер участкаларини ички ҳўжалик ижараси тартибида фақат қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши учун ижарачиларга бириктириб қўйиши мумкинлиги" амалда ишламади, – деди Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси спикери ўринбосари, О'zLiDeP фракцияси раиси Актам Хаитов. – Мазкур моддада ижарага берилган ижараси ёки унинг бир қисmini иккиламчи ижарага бериш тақиқланиши белгиланган. Шунингдек, "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 13-моддасида фермер ҳўжалигига берилган ер участкаларидан қатъ-

ий белгиланган мақсадда фойдаланилиши ва иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмаслиги белгиланган. Демак, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларда деҳқончилик қилаётган фермер, деҳқон ҳўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари фуқароларга вақтинчалик ва мавсумий экин экиб фойдаланиш учун ижарага бериш ҳуқуқидан маҳрум эдилар. Бу албатта, қишлоқ ҳўжалиги ерларидан самарали фойдаланишга ҳамда ердан унумли фойдаланиб даромадни кўпайтиришига ва солиқ тушумининг кўпайишига тўқинлик қилар эди. Қишлоқ ҳўжалиги экинларини парвариш қилиш, агротехник ишлов беришда фермер ҳўжаликлари жалб этилган мавсумий ишчилар, улар кўрсатадиган хизматларни иккиламчи ижарага ер участкаларини бериш деб қаралиши ижара ҳуқуқи асосида ердан фойдаланишда қонун нормасини ҳуқуқий жиҳатдан нотўғри талқин этилишига олиб келди. Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг ердан фойдаланиш ваколатини кенгайтириш ва ижара ҳуқуқий муносабатларида эркин фаолият юритиш тизимини такомиллаштиришнинг давр тақозо қилмоқда. Шунинг учун мазкур қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси, "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон ҳў-

жалиги тўғрисида"ги, "Ўрмон тўғрисида"ги, "Яйловлар тўғрисида"ги қонунларнинг тегишли моддаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда. Хусусан, қишлоқ ҳўжалиги корхоналари, ташкилотлари ҳамда фермер, деҳқон ҳўжаликлари узоқ муддатли ер ижара шартномаси асосида ижарага олган ер майдонларини қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришда вақтинчалик фойдаланиш мақсадида иккиламчи ижарага бир йил муддатта шартнома асосида беришга рухсат берилмоқда. Бу билан амалдаги қонунчиликдаги иккиламчи ижарага бериш тақиқланиши тўғрисидаги чеклов олиб ташланмоқда.

– Қонун Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 17-моддаси 3-қисми, 24-моддаси 4-қисми, 44-моддаси 4-қисми, 45-моддаси 3-қисми янги тахир билан тўлдирилиб, янги 20-прим бир ва 24 прим бир моддалари киритилмоқда, – деди Кенгашнинг юридик бўлими бошлиғи Соҳибжон Хатамов. – Унга кўра, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар ерларни (учинчи шахсларга бериш ҳуқуқисиз) иккиламчи ижарага бериш, шунингдек, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер участкаларида мерос қилиб қолдирилдиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини сақлаб қол-

ган ҳолда ер участкасини вақтинча фойдаланишга бериш ҳуқуқига эга бўлиши, бунда ер участкасини муддатли (вақтинча) фойдаланиш учун бериш муддати тарафларнинг келишувига асосан белгиланиши, ер участкаларини ижарага бериш шартномаси белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши шартлиги, инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик асосида уч йилдан қирқ тўққиз йилгача бўлган муддатга берилиши каби янги ҳуқуқий нормалар киритилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси "Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 9-, 12-моддаларига, "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 13-моддаси, 16-моддаси ва "Ўрмон тўғрисида"ги Қонуннинг 31-моддаси, "Яйловлар тўғрисида"ги Қонуннинг 13-14-16-моддаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда. Бу албатта, фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ердан унумли фойдаланишида иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини ошириши, уларнинг ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиши, илгор илм-фан ютуқлари негизда замонавий хорижий тажрибаларни кенг жорий этиши ва қишлоқда янги ишлаб чиқаришлар ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил қилишида катта имкониятлар яратлади.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши нафақат фермерлар, балки тақдирини ер билан боғлаган барча деҳқонлар катта қувонч билан қабул қилиши шубҳасиз. Боиси, ушбу қонуннинг қабул қилиниши асосида ердан фойдаланишда коррупцияга барҳам берилиб, жисмоний шахслар ҳам фермерларнинг ерларида ижара асосида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришига ҳуқуқий асос яратилади.

Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Навоий вилояти



Навоий шаҳридаги "Ёшлар маркази"да Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши ҳамда Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси Навоий вилояти бўлими ҳамкорлигида вилоятда журналистика соҳасига қизиқувчи ёшлар учун "Журналистикага илк қадам" лойиҳаси доирасида маҳорат дарслари ташкил этилди.

ҲАМКОРЛИҚДАГИ ЛОЙИҲА:

Журналистика соҳасига қизиқувчи ёшлар учун маҳорат дарслари ўтказилди

Лойиҳа доирасида вилоятдаги тажрибали соҳа вакиллари томонидан "Тележурналистика", "Радио журналистика", "Интернет журналистика", "Фотожурналистика" ҳамда "Матбуот журналистикаси" йўналишлари бўйича ёшларнинг қизиқишларига қараб шў'баларга бўлинган ҳолда ўқув-семинарлари ўтказилди. Тадбирда вилоятнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган 100 нафардан ортиқ ижодкор ва журналистикага қизиқувчи ёшлар фаол

иштирок этди. Энг муҳими, бу лойиҳа ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Савол-жавоблар ва ўзаро фикр алмашув эса дарсларнинг интерфаол усулда ташкил этилишини таъминлади. Ўқув-семинари якунида иштирокчиларга Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши томонидан сертификатлар ва эсдалик совға сифатида китоблар жамланмаси топширилди. **Отабек АСЛОНОВ,**
"Qishloq hayoti" мухбири.

Сервитамин мевани маҳаллийлаштириш устида амалий ишлар бошланди.

Бебаҳо неъматни асрайлик! Полиэкинлари зарарланмасин.

Андижонда киви кўчатлари етиштирилди

Барчамиз севиб истеъмол қиладиган "ҳазми-таом" мевалардан бири бўлган киви мамлакатимизга деярли тўлиқ импорт қилинади. Бу маҳсулотга нафақат юртимизда, балки бутун дунёда талаб катта. Сабаби, унинг одам организми учун керакли бўлган микроэлемент, витаминларга бойлигидир.



Ўтказдилар.

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши томонидан бу сервитамин мевани маҳаллийлаштириш устида амалий ишлар бошланди. Хусусан, Кенгаш мутахассислари бу борада хорижий тажрибаларни ўрганиш мақсадида 2019 йилнинг бошларида Украинага бориб, бу мевани етиштиришнинг замонавий технологиялари билан танишиб, ўзимизнинг иқлим шароитида етиштириш борасида музокара...

Украинада бўлган мутахассислар у ерда 20-30 даража совуққа чидамли "Карпат Стротан Валентайн" навли киви кўчатларини Андижон вилоятида етиштириш борасида келишувга эришдилар. Украинада етиштирилаётган киви кўчатларининг маҳаллий харидорлардан ташқари, Европанинг Словакия, Венгрия давлатлари ҳамда бизга қўшни бўлган Тожикистон республикаси фермерла...

рига етказиб берилётгани эътироф этилган.

Ўрганишлар ва музокаралар якунига кўра "Киви Карпат Стротан" МЧЖ директори билан "Карпат Стротан Валентайн" навли киви кўчатларини ўзбекистонда етиштиришни йўлга қўйиш юзасидан ҳамкорлик шартномаси имзоланган эди. Ушбу хайрли ишларни амалга ошириш мақсадида Андижон вилоятининг Бўстон туманида фаолият кўрсата...

ётган "Бўз махсус томорқа хизматлари" МЧЖ томонидан цитрус мева бўлган киви кўчатларини етиштириш ва аҳолига тарқатиш лойиҳасини амалга ошириш учун туман ҳокимининг қарори билан "Улуғбек" массиви ҳудудидаги 10 гектар ер майдони ажратилди. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши қошидаги жамғарма томонидан 500 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағлари йўналтирилди.

Андижон тумани Агрокимё станцияси томонидан киви кўчатлари етиштириш режалаштирилган экин майдонидан олинган тупроқ намуналарининг агрокимёвий таҳлил натижалари ўрганиб чиқилди ва киви қаламчалари ерга қадалди.


Бугунги кунга келиб "Бўз махсус томорқа хизматлари" МЧЖ томонидан 10 минг тупдан ортиқ ноёб киви кўчатлари етиштирилди ва кўчатлар Андижон вилояти ва республикамизнинг бошқа ҳудудларига ҳам етказиб берилди. Буларнинг барчаси халқимиз дастурхонининг фаровон бўлишига хизмат қилади, албатта.

Н.МИРАБДУЛЛАЕВ,

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши Маркетинг ва экспортга кўмаклашиш бўлими бошлиғи.

МУТАХАССИС ТАВСИАЛАРИ

Республикамиз шароитида ҳар йили полиз экинлари 60 минг гектардан кўп майдонга экилиб, парвариш қилинса, уларнинг 35-40 фоизини қовун эгаллайди. Қадим замонлардан буён Ўрта Осиё минтақаси айниқса, Хоразм, Зарафшон, Сурхон, Қарши воҳалари ва Фарғона водийси ўзининг ширин-шакар қовунлари билан машҳур бўлган.



Қовун пашшаси - ХАВФЛИ ЗАРАРКУНАНДА

Қовуннинг шифобахш хусусияти қадим замонлардан маълум бўлган, ундан камқонлик, бронхит, сил, нафас йўлини даволашда фойдаланилган. Қовуннинг этида инсон организмидagi физиологик жараёнларни тартибга солиб турувчи моддалар: глюкоза, сахароза, фруктоза, витаминлар, пептидлар, калий, натрий, кальций, темир, фосфор ва бошқа тузлар бор. Қовун пешоб ҳайдовчи яхши восита бўлиб, у буйрак, юрак-қон томир ва ошқозон-ичак касалликларига фойдали ҳисобланади. Шунинг учун қовун пишиган ҳолида истеъмол қилинади, ундан мураббо, қиём, шарбат, шунингдек, қовун қоқи ҳам тайёрланади. Шу сабабли ҳам бир қатор чет давлатлар Хитой, Корея, Япония ва бошқа жанубий-шарқий Осиё, Фарбий Европа ва бошқа мамлакатларнинг юртимизда етиштирилаётган қовун ва унинг маҳсулотларига бўлган талаби охири бормоқда ҳамда уни экспорт қилиш ҳажми йилдан-йилга кўпаймоқда.

Қовуннинг шифобахш хусусияти қадим замонлардан маълум бўлган, ундан камқонлик, бронхит, сил, нафас йўлини даволашда фойдаланилган. Қовуннинг этида инсон организмидagi физиологик жараёнларни тартибга солиб турувчи моддалар: глюкоза, сахароза, фруктоза, витаминлар, пептидлар, калий, натрий, кальций, темир, фосфор ва бошқа тузлар бор. Қовун пешоб ҳайдовчи яхши восита бўлиб, у буйрак, юрак-қон томир ва ошқозон-ичак касалликларига фойдали ҳисобланади. Шунинг учун қовун пишиган ҳолида истеъмол қилинади, ундан мураббо, қиём, шарбат, шунингдек, қовун қоқи ҳам тайёрланади. Шу сабабли ҳам бир қатор чет давлатлар Хитой, Корея, Япония ва бошқа жанубий-шарқий Осиё, Фарбий Европа ва бошқа мамлакатларнинг юртимизда етиштирилаётган қовун ва унинг маҳсулотларига бўлган талаби охири бормоқда ҳамда уни экспорт қилиш ҳажми йилдан-йилга кўпаймоқда.

Экспортдан ва ички эҳтиёж талаблари миқдорига ҳамда сифатли қовун етиштиришда харидорлар ва йўлга чидамли қовун навларини экиш, тавсия этилган зарур агротехник парвариш ишларини ўз вақтида ўтказиш билан бир қаторда уларни зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтларга қарши кураш чора-тадбирларининг бажарилишини таъминлаштириш ва ўтказиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки, республикамиз шароитида қовун ниҳолларига ўсиб чиқиб даврида зараркунандалардан илдиз қурти ва сими қурти, кейинроқ тамачи трипси ва полиз бити, ўргимчакана, полиз кўнгизи ёки хахана ва айниқса, қовун пашшаси катта зарар келтиради. Ниҳоллик давридан бошлаб илдиз чириш, бурчакли бактериял доғланиш, ун шудринг, антракноз ҳамда гуллаш, мева тугиш ва ўсиш даврида палакларнинг фузариоз сўлиш касалликларини пайдо бўлиши ва жиддий зиён етказиш ҳолатлари кузатилади. Шунингдек, полиз майдонларида намлик етарли бўлганли...

Куз, қиш ва баҳор ойларида зараркунандининг сохта пиллача ичидаги гумбаги тупроқда, 10-20 см. чуқурликда, Хоразм воҳаси шароитида эса 5-15 см. чуқурликда қишлайди.

Қишлаган гумбақдан пашшалар эртапишар қовуннинг гуллаш ва мева туга бошлаш даврида (майнинг иккинчи ярмида) учиб чиқади. Пашша шира билан озиқлангандан сўнг қовун ёки бошқа полиз экинлари ёш меваларининг қобилини тухум қўйиш билан тешиб, унинг тагига биттадан, аммо кўпинча битта мевага 20 та ва ундан ҳам кўпроқ тухум қўяди. Тухум қўйиш даври одатда мевалар диаметри 3-5 см. бўлганда бошланади. Битта урғочи пашша 1 мавсумда ўртача 98-130 та тухум қўяди. Тухумлар 2-8 кун давомида ривожланишдан ўтган, улардан қуртчалар чиқиб, дарҳол мева ичига ўтади, мева эти билан озиқланиб, уруғча етади ва уруғни ҳам ейди. Улар 10-18 кун ривожлангандан сўнг, мева пўстини тешиб, ташқарига чиқади ва тупроқда 5-15 см. чуқурликка кетиб, у ерда сохта пиллача ичида гумбақланади. Бу зарарланган қовун мевалари чириб кетади.

Яна 10-18 кундан сўнг гумбақдан иккинчи авлод пашшаси чиқади ва тухум қўйиб қовун меваларини зарарлайди. Қовун пашшаси бир авлодининг тўлиқ ривожланишига ўртача 23-30 кун талаб этилади. Мавсум давомида зараркунанда Афғонистонда 3-4, Қорақалпоғистонда 2-3, Хоразмда 3-4 авлод беради. Қишлаган пашша пайтида қуртчалар тупроқда ўртача 10-20 см., айрим ҳолатларда эса 30 см. гача чуқурликда гумбақланиши кузатилади.

Личинкалар қовун ичида ҳаракатланганида, қовун этида занг тусли доғлар пайдо бўлади. Личинкалар ташқарига чиқишдан сўнг қовун пўстлоғида пайдо қилган тешиклардан кирган микроорганизмлар таъсирида қовун 5-7 кун ичида бутунлай чирийд ва ўта бадбўй ҳид чиқаради.

Қовун пашшасига қарши курашда муайян чора-тадбирлар қўлланади. Мавсумда полиз экинлари экилган майдонларни ўсимлик қолдиқларидан тозалаш, қолган қовун меваларини чуқур кўмиб йўқотиш, чуқур кузги шудроқ ўтказиш орқали пашшанинг қишлоқдаги захираларини камайтириш ва куз-қиш даврида далани шўр ювилишидаги каби 4-5 кун бостириб сўғориш талаб этилади. Қовун пашшаси кузатиладиган далаларга 3-4 йил давомида полиз экинларини қайта экмаслик, эртапишар ва кечпишар навлар экилган далаларни бир-бирига яқин жойлаштирмаслик тавсия қилинади. Ўзбекистондаги Германия ҳамкорлик ташкилоти (ГТЦ) томонидан Қорақалпоғистонда ўтказилган тажрибалар асосида қовун пашшасидан холи бўлган маҳсулот етиштиришда қовунни эрта муддатларда плёнка остида етиштириш катта аҳамиятга эга бўлади.

Бугунги кунда деҳқонларимиз қовун пашшасига қарши асосан кимёвий кураш усулини қўлламоқдалар. Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳаси олимлари ўтказган тажрибалар асосида давлат кимё комиссияси томонидан қишлоқ хўжалигида бу зараркунандага қарши (Малатион асосидаги) Карбофос 50% эм.к. ёки Фуфанон 57% эм.к. - 0,4-1,0 л/га ёки (Новавалурон + Бифентрин таъсирчан модда асосидаги) Римонстар 6,5% эм.к. - 0,15 л/га, (Лямбдацигалотрин + тиаметоксам асосидаги) Энерги - дуо 24,7% сус.к - 0,2 л/га, (Альфа-циперметрин асосидаги) Супер Кар 10% эм.к. - 0,3-0,35л/га, (Хлорприфос + бифентрин асосидаги) Пиринекс супер 42% эм.к. - 0,4 - 0,7 л/га сарф меъёрида қўллаш тавсия этилган.

Ҳозир ушбу зараркунанданинг табиатдаги қушандалари аниқланган бўлиб, улар қаторига олтинқўлар, йиртқиш каналар ва бир қатор техникўр пашшалар киради. Аммо, уларни кенг қўламда қўллаш яъни, биологик кураш усулини амалда жорий қилиш имкониятлари ўрганилмаган ва келгусида бу йўналишда олимларимиз изланишлар олиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Одил ИСАКОВ, Дилрабо ДУСМАТОВА, "Ўздавқарантин" инспекцияси Ўсимликлар карантини илмий маркази илмий ходимлари.

ЭЪЛОН

Тошкент давлат аграр университети бўш (вакант) профессор-ўқитувчи лавозимларига меҳнат шартномаси асосида танлов ЭЪЛОН қилади.

Кафедра мудирилари:

1. Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси; 2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш кафедраси; 3. Тиллар кафедраси; 4. Ахборот технологиялари ва математика кафедраси.

Профессорлар:

1. Деҳқончилик ва мелиорация кафедраси; 2. Ўсимликшунослик кафедраси (0,5); 3. Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш кафедраси; 4. Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси (0,25); 5. Қишлоқ хўжалиги фитопатологияси кафедраси; 6. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш кафедраси; 7. Агробиотехнология кафедраси (0,5); 8. Балиқчилик кафедраси (0,25); 9. Ўрмончилик кафедраси; 10. Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси (0,5); 11. Ахборот технологиялари ва математика кафедраси.

Доцентлар:

1. Деҳқончилик ва мелиорация кафедраси (0,75); 2. Ўсимликшунослик кафедраси (0,5); 3. Соя ва мойли экинлар кафедраси; 4. Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси (селекция); 5. Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси; 6. Ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси; 7. Қишлоқ хўжалиги фитопатологияси кафедраси; 8. Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси (Ўзбек тили); 9. Мевачилик ва узумчилик кафедраси; 10. Қишлоқ хўжалигида экологик хавфсизлик ва ботаника кафедраси (экология); 11. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш кафедраси; 12. Балиқчилик кафедраси; 13. Умумий зоотехния кафедраси (ветеринария); 14. Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси (Педагогика. Психология); 15. Ўрмончилик кафедраси; 16. Гуманитар фанлар кафедраси (фалсафа); 17. Гуманитар фанлар кафедраси (тарих); 18. Агробизнес ва инвестицион фаолият кафедраси; 19. Агрологистика кафедраси; 20. Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси.

Катта ўқитувчилар:

1. Ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси; 2. Мевачилик ва узумчилик кафедраси; 3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш кафедраси (0,5); 4. Тиллар кафедраси (инглиз тили); 5. Ипакчилик ва тутчилик кафедраси (0,75); 6. Балиқчилик кафедраси (0,5); 7. Агрологистика кафедраси.

Ассистентлар:

1. Деҳқончилик ва мелиорация кафедраси; 2. Ўсимликшунослик кафедраси (0,5); 3. Соя ва мойли экинлар кафедраси (0,75); 4. Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси (селекция 0,5); 5. Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси; 6. Ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси; 7. Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини кафедраси (0,5); 8. Мевачилик ва узумчилик кафедраси (0,75); 9. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси (0,75); 10. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш кафедраси; 11. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертифициклаш кафедраси; 12. Ипакчилик ва тутчилик кафедраси; 13. Умумий зоотехния кафедраси (ветеринария); 14. Умумий зоотехния кафедраси (зоомухандис 0,75); 15. Ўрмончилик кафедраси; 16. Агробизнес ва инвестицион фаолият кафедраси; 17. Агрологистика кафедраси; 18. Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси.

Ўқитувчилар:

1. Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси (рус тили); 2. Тиллар кафедраси (инглиз тили); 3. Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси (жисмоний тарбия).

Танлов учун ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар: Ректор номига ариза; сўровнома; таржимаи ҳол; тегишли олий маълумоти ҳақидаги диплом, илмий даража, илмий унвон; илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда, уларни тасдиқловчи дипломлар, аттестатлар нусхалари; малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномалар нусхалари ва илмий ишлар рўйхати.

Танловга тушган барча ҳужжатлар олдиндан кафедра мажлисида кўриб чиқилади. Илгари кафедрада ишламаган шахсларнинг ҳужжатларини кўриб чиқишдан олдин, улар томонидан синов маърузалари (университет профессор-ўқитувчилари учун - очик машгулотлар) ўтказилади. Синов маърузалари ва очик машгулотлар мавзулари кафедра предметлари бўйича ўқув дастури талабларига мувофиқ бўлиши керак. Танлов қатнашчиларини тест синовларидан ўтказишга йўл қўйилади.

Илгари ўзи эгаллаб келган лавозим учун танловда қатнашувчи шахслар кафедра мажлисида танловдан олдинги даврдаги илмий-педагогик, методик, тарбиявий ва бошқа ишлари тўғрисида ҳисобот беради.

Ҳужжатлар қўйидаги манзилга топширилади: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар шаҳарчаси, Университет кўчаси 2-уй. Тошкент давлат аграр университети бош биноси, 2-қават, Тошкент давлат аграр университети Илмий кенгаши. Телефон: (71) 260-48-65.

Кўп йиллик меҳнатлари, инсоний фазилатлари ҳамisha қадрланади

Фидокорона меҳнатнинг юксак эътирофи

Юртимизда илм, маърифат, санъат ва маънавият заҳматкашларининг фидокорона меҳнати ҳамisha қадрланади. Пойтахтимиздаги Ўзбекистон халқаро ислом академиясида таниқли олим, тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватовнинг 80 ёшлик таваллуд санаси муносабати билан бўлиб ўтган тантанали тадбирда бу жиҳатлар яна бир бор ўз ифодасини топди.



кўлами тобора кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Устоз Убайдулла Уватов бутун умрини илм-фанга бахшида этган, миллий тарих ва манбашунослик фанига улкан ҳисса қўшиб келаётган олим, аждодлар меросини кенг тарғиб этиш, ёш авлодни баркамол инсон этиб тарбиялашда самарали меҳнат қилиб келаётган мураббийлардан.

Учрашувда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари Иброҳимжон Иномов, Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов, Ўзбекистондаги Ислום цивилизацияси маркази директори Шоазим Миноваров ва бошқалар заҳматкаш олимлар меҳнатини эъзозлаш, уларга иззат-эҳтиром кўрсатишдек эзгу ишлар замирида янгилаётган Ўзбекистоннинг чин маърифий қиёфаси бугунги кунда бутун дунёга яққол намён бўлаётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, профессор У.Уватовнинг илмий фаолияти педагогик, жамоатчилик, маънавий-маърифий ишлар, темиршунослик, Имом Бухорийнинг илмий-маърифий мероси, ҳадисшунослик, Ўзбекистоннинг буюк алломалари илмий меросини ўрганиш, ноёб асарларни араб тилидан таржима этиш ва нашрга тай-

ёрлаш, уларни халқимизга таништиришдек гоят мураккаб, серқирра, заҳматли ва айни пайтда шарафли жараёнда намёндр. Олим асосан IX-XII асрларда юртимизда етишиб чиққан буюк алломаларнинг бой илмий мероси бўйича нодир қўлзма-ларни мукамал ўрганиб, тадқиқотлар олиб борган мохир манбашунос сифатида Ватанимиз ва хорижда ном қозongan. "Ўрта Осиё олимлари қомуси", "Ўзбекистон буюк алломалар юрти", "Буюк юрт алломалари" каби салмоқли тўпламлар ҳам олимнинг кўп йиллик машаққатли меҳнати натижаси.

Убайдулла Уватов Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким ат-Термизий, Имом Мотуридий, Маҳмуд Замахшарий, Абу Муъин Насафий ва бошқа кўпбаг алломаларимиз ҳақида биринчилардан бўлиб ўзбек тилида илмий-маърифий рисоалар нашр этди. Унинг фаолияти ҳозирги кунга қадар давом этиб, 70 дан ортиқ мутафаккир боболаримиз, уларнинг ижоди ҳақидаги қимматли маълумотни ўзида жамлаган "Буюк юрт алломалари" китобига асос бўлиб хизмат қилди. "Мовароуннахр ва Хуросан олимларининг ҳадис илми ривожидида тугган ўрни (Бухорий, Муслим, Термизий)" мавзусидаги докторлик илмий ишида аждодларимизнинг мероси мукам-

мал тадқиқ этилган. Илмий ишлари Миср Араб Республикаси, Саудия Арабистони, Россия, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа хорижий давлатларда нашр этилган олим ҳозирги кунда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори вазифасида самарали меҳнат қилмоқда.

— Илм-фан, маърифат ўз-ўзидан ривожланмайди, — деди фикшунос олим Абдуҳаким Шаръий Жузжоний. — Юртимиз илм аҳлига кўрсатилаётган бундай юксак эътибор мамлакатимизда учинчи ренессанс даври муваффақиятли бошланганининг амалдаги исботидир.

— Буюк муҳаддис Имом Бухорий ижодига оид илмий изланиш олиб бораётган, — деди ёш тадқиқотчи Нўмонжон Тўраев. — Устозим Убайдулла Уватовнинг заҳматкашлиги, фидойилиги, меҳнатсеварлиги, илм-фанга садоқати барчамиз учун ибратдир.

— Бугун ўзимни дунёдаги энг бахтли инсонлардан бири, деб ҳисоблайман, — деди тарихчи олим, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби Убайдулла Уватов. — Барчамиз тарихий янгилаш, шиддатли ривожлаш жараёнлари гувоҳи бўлмоқдамиз. IX-XII асрлар Мовароуннахрда тараққиёт палласи, Ҳадис илмининг олтин даври, деб ҳисобланса, бугунги кунларимизни ҳам янги Ўзбекистон тарихида олтин давр бошланган жараён, деб муболағасиз айтиш мумкин. Бундай самимий эҳтиром, илму маънавият ривожидидаги амалий ғамхўрлиги учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевдан чин юракдан миннатдорман.

Тадбирда олим фаолиятига тааллуқли китоблар, фильм намойиши бўлиб ўтди. Ҳаммаслар, олимлар, ёш тадқиқотчилар томонидан Убайдулла Уватовнинг кўп йиллик меҳнатлари, инсоний фазилатлари ёрқин ва таъсирчан ҳаётий мисоллар ёрдамида қайд этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

Халқаро талабларга жавоб берадиган мототрасса барпо этилмоқда

Президентимизнинг жорий йил 24 январдаги "Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони ижроси доирасида Косонсой туманида халқаро талабларга жавоб берадиган замонавий мототрасса барпо этишга киришилди.

Тумanning Шоҳсафед мас-сивида қад ростлаётган ушбу иншоот лойиҳаси Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Республика техник ва амалий спорт турлари марказининг етакчи мутахассислари томонидан тайёрланди. Маҳаллий инвестор маблағлари ҳисобига қурилаётган ушбу мототрассада техник ва амалий спорт турлари таркибига кирувчи авторалли ва мотокросс спорт мусобақаларини тизимли ўтказиш имкониятлари ортади ҳамда мамлакатимизда спорт

туризмни ривожлантириш, спортчиларни халқаро мусобақаларга тайёрлаш шароитлари яхшиланади.

Барча талабларга жавоб берадиган мототрасса келгуси ойда фойдаланишга топширилиб, Наврўз байрами арафасида мотоцикл пойгаси бўйича вилоят ҳокими кубоги учун Халқаро мусобақа ўтказилади.

Ахмадjon АЪЛОХОДЖАЕВ,
Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Наманган вилояти кенгаши раиси.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МАХАМ-ЧИРЧИҚ

НИТРАТ МАГНИЙ ТЎЛИҚ СУВДА ЭРИЙДИГАН ЎГИТДИР. ИССИҚХОНА ВА ОЧИҚ ТУПРОҚДА СУЎРИШДА ВА ИЛДИЗДАН ТАШКАРИ ЎГИТЛАШ УЧУН ҚўЛЛАНИЛАДИ. ЎСИМЛИК БАРГАЛАРИГА МАГНИЙ НИТРАТНИ ПУРКАШ, УЛАРДА БИР ПАЙТНИНГ ЎЗИДА АЗОТ ВА МАГНИЙ ТАНҚИСЛИГИ ПАЙДО БЎЛГАНДА, ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ!

МАГНИЙ НИТРАТ

ТАРКИБИДА 14,5% МАГНИЙ ОКСИДИ ВА 10% ЎСИМЛИК ЎЗЛАШТИРАДИГАН НИТРАТЛИ АЗОТ МАВЖУД

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Махам-Чирчиқ АЖ, Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Тошкент кўчаси 2-уй. Тел: +998 (7071) 5-25-20, 5-34-40, 9-35-08. Факс: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57. info@maxam-chirchiq.uz, www.maxam-chirchiq.uz

Чирчиқ ш. ДХМ томонидан 2018 й. 20 декабрдаги 657850 реестр рақами билан рўйхатга олинган "KARVON STROY GROUP" МЧК устав фондини 175 000 000 сўмдан 5 000 000 сўмга қайтайтиришни маълум қилади. Даво ва арзилар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Чирчиқ ш. Чирчиқнинг 50 йиллиги шох кўчаси, Карвон бозори маъмурияти биносиди ёни (+99897) 400-80-20 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Бугунги кунда барпо этилаётган турли бинолар ва фуқароларнинг уй-жойлари шаҳримизнинг янада чирой очишига сабаб бўлаётир.

Кавотирдан холи бўлинг!

Барпо этилаётган хусусий уй-жойлар ихчам, қулай ва қўрқам бўлиши билан бирга, камчиқим бўлиши ҳам давр талабидир. Эътибор берсангиз, улар бундан 10-15 йил олдинги иморатлардан тубдан фарқ қилади: илғор қурилиш технологиялари, замонавий қурилиш материаллари шаҳар меъморчилигига жиддий ижобий ўзгаришлар киритмоқда.

Шу билан бирга, аҳоли яшаш жойларини ёнгиндан муҳофаза қилиш, қурилиши пайтдаёқ уларнинг ёнгинга қарши ҳолатини ҳисобга олиш муҳим масаладир. Чунки содир бўлган ёнгинни бартараф этишдан кўра, уйимизни мустаҳкам, ёнгинга бардошли қилиб қуриш ҳам арзон тушади, ҳам йўқотишларнинг олдини олган бўлаемиз.

Б.Б.ЖУРАЕВ,
Миробод тумани ФВБ бошлиги ўринбосари, подполковник.

РЕКЛАМА

PLANETA SERVIS

ТРАКТОРВОР.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Махсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Хизматлар лицензияланган.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир – Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир хайъати:
Жамшид ХЎЖАЕВ,
Шавкат ҲАМРОЕВ, Шухрат ТЕШАЕВ,
Муҳаммадjon ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ,
Маҳмуд ТОИР.

Ҳабиб ТЕМИРОВ – Бош муҳаррир ўринбосари
Раимқул СУЯРОВ – Бош муҳаррир ўринбосари

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50.
Аграр масалалар бўлими – 236-26-47.
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78.
Факс – 233-44-43, 233-09-93.
Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz
e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Г-225, ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди. 5 148 нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144 Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 23.35

ISSN 2010-7021



Навбатчи муҳаррир:
А.ҲАҚБЕРДИЕВ